

Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

http://farhaqiqat.uz/

Табиат сийлаган қадамжолар: СЎХ ВА ШОҲИМАРДОН туризм масканларига айланади

Мамлакатимиз раҳбари ўтган йилнинг июль ойида Фарғона вилоятига қилган ташрифи чоғида олис анклав ҳудудлар – Сўх ва Фарғона туманининг Шоҳимардон қишлоғида хизмат турларини кўпайтириб, фаол туризмни ривожлантириш, янги сайёҳлик объектиларини аниқлаш бўйича масъулларга кўрсатмалар берди. Бу манзиллар экологиясига алоҳида эътибор бериш, яшилликни кўпайтириш муҳимлигини таъкидлади. Бундан ташқари, Шоҳимардонда ҳар йили минглаб сайёҳлар учун хизмат қиладиган замонавий туризм зонаси, Сўх туманида эко ва овчилик туризмини ташкил қилиш учун маҳаллий ва хорижий тadbirkorларни жалб қилиш таклифи билдирилди.



Бу борада вилоятимизда олиб борилаётган амалий ишлар хусусида вилоят ҳокимининг туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосари – вилоят туризм бошқармаси бошлиғи Хуршидjon АҲМЕДОВ билан суҳбатлашдик.

– Хуршид Рустамович, аввало, вилоятимизнинг туризм салоҳияти ҳақида фикр билдириб ўтсангиз?

– Республикаимизнинг ҳар бир ҳудуди ўз "ташир қоғози"га эга. Бу хусусият Фарғонада ҳам турфа хил. Қўқон ва Марғилон қўли гул усталарининг бетакор ижод намуналари туфайли "Жаҳон ҳунарамандлари шаҳри" мақомига эга бўлган бўлса,

Риштон қулчилик, Олтириқ узумчилиги, Қува серҳосил мевазорлари билан етти иқлимга машҳур. Қўқна Сўхда бўлган киши унинг зилол булоқлари, пурвиқор тоғлари, кўкка талпинган арчалари, бетакор табиати, Шоҳимардон қишлоғининг баҳавоси-ю, муқаддас зиёратгоҳларидан баҳраманд бўлади. Умуман олганда, бу жойларда туризм ривожини учун катта имкониятлар бор.

– Сўх тумани ва Шоҳимардон қишлоғида сўнгги йилларда ижтимоий ривожланиш сари дадил қадам ташланаётганини асосан нималарда кўриш мумкин?

– Президентимизнинг 2020 йил 8 августдаги "2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида

йиллар давомида ечимни кутиб турган иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маиший соҳалардаги кўплаб муаммоларга ечим топилди. Хусусан, бу ерда болалар учун махсус мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари, шифохона ва аэродром қурилди. Қарийб ўн йил ёпиқ бўлган "Риштон" чегара пости ишга тушиб, Фарғона вилоятини Сўх тумани билан боғлайдиган қисқа автомобиль йўли очилди. Шунингдек,

Фарғона – Сўх йўналишида "Нуро айр" авиакомпаниясининг "Ан-2" самолёти парвози йўлга қўйилди.

Туманининг Жарпая массивидаги 1000 гектар майдон кам сув билан сўғориладиган экинлар учун ўзлаштирилди. Албатта, ижтимоий, иқтисодий соҳалар тараққиёти йўлида амалга оширилган бу каби ишлар туманининг туризм салоҳиятини оширди.

(Давоми 2-бетда).

ЭЗГУЛИКНИ УЛУҒЛАЙДИГАН, ҚАЛБЛАРНИ ПОКЛАЙДИГАН ОЙ



Убайдуллоҳ АБДУЛЛАЕВ,
Фарғона вилояти бош имом-хатиби

Азиз ватандошлар! Аввало, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фарғона вилояти вакилчилиги, устоз ва уламолар номидан барчангизни останада турган Рамазон ойи билан муборакбод этаман! Илоҳо, ойларнинг султони бўлган Рамазон ҳар галгидан-да файзли ва баракали бўлсин!

Рамазон – бу мусулмонларнинг энг улуғ ойи бўлиб, у Аллоҳ таолонинг марҳамати ва баракаси ёғиладиган, савоблар кўпаядиган, дуо ва тавбалар қабул бўладиган муътабар ойидир. Ушбу ойни чин дилдан эъзозлаб ўтказиш, рўза туттиш, Қуръон ўқиш, хайр-эҳсон қилиш ва яхшилиқни кенг ёйиш ҳар бир мусулмон учун шарафдир.

Рамазон ойининг улуғлигини тасдиқловчи оятлар ва ҳадисларда унинг фазилатлари алоҳида таъкидланган. Аллоҳ таоло Қуръонда шундай марҳамат қилади:

"Рамазон ойи – унда одамларга ҳидоят ҳамда ҳидоят фуқаролар иборат очик-ойдин ҳужжатлар бўлиб, Қуръон нозил қилинган" (Бақара сураси, 185-оят).

Бу ой Аллоҳ таоло томонидан мўминларга раҳмат сифатида юборилган бўлиб, унда Қуръон нозил бўлган. Шунингдек, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Рамазон ойининг улуғлиги ҳақида шундай марҳамат қилганлар:

"Рамазон рўзасини иймон ва савоб умидида тутган одамнинг ўтган гуноҳлари кечирилади".


Бу ҳадисдан ҳам кўриниб турибдики, Рамазон мусулмонларга гуноҳлардан покланиш, қалбини тозалаш ва Аллоҳнинг раҳматига эришиш имкониятини беради.

Давоми 3-бетда

Дунё
сиёсати
майдонида:

Туркий бирликдан ким хавотирда?

Туркия миллий тарих дарсликларида "Марказий Осиё" атамасини "Туркистон"га алмаштирганини Москва, Техрон ва Пекин Анқаранинг Марказий Осиёдаги таъсирини мувозанатлашга уриниш сифатида қабул қилиши кутилмоқда.



12 баллик тизим НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

Мамлакатимизда жорий йил 20 февраль куни "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қонун қабул қилинган бўлиб, унга асосан шу кундан бошлаб йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима баллари тизими жорий этилди.

(Давоми 2-бетда).



УШБУ
СОНДА:

ҲАРБИЙЛАР
ОИЛА
БЕКАЛАРИ
БЕЛЛАШДИ



2-бет




ХАЛҚ
ИШОНЧНИ
ОҚЛАБ
КЕЛАЁТГАН
ПАРТИЯ

2-бет

Яхшилар ёди

ШОИРЛАРНИНГ
БАҲОДИРИ ЭДИ



3-бет

ҲАМОН
БАРҲАЁТДИР
БУ СОҲИР ОВОЗ



4-бет

Табиат сийлаган қадамжолар: СЎХ ВА ШОҲИМАРДОН туризм масканларига айланади



(Бошланиши 1-бетда).

Атрофи Қирғизистон ҳудуди билан ўралган Шоҳимардон, шу жумладан, Ёрдон қишлоғининг “драйвери” – туризм деб ҳисобланади. Сўнгги йилларда бу жойларнинг инфратузилмаси яхшиланиб, йилнинг барча фаслида мароқли ҳордиқ чиқариш имконияти яратилди. Дам олиш, соғломлаштириш, саёҳат, спорт, умумий овқатланиш мажмуалари барпо этилди. Эски санаторий ва болалар оромгоҳлари реконструкция қилинди, электр узатиш тармоқлари янгиланди. Кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг амалга оширилиши туфайли олис қишлоқнинг мезморий қиёфаси ўзгарди, аҳолига кундалик ҳаёт тарзи учун керакли бўлган шароитлар яратилди. Булар натижасида Шоҳимардонга борувчи сайёҳлар сони ошиб, ўтган йилда 480 минг нафарга етди.

Худудларда олиб борилган ислохотлар шиддати тоғлиқлар ҳаёт тарзини тубдан ўзгартириб юборди, десак муболаға бўлмайди.

Сўх ва Шоҳимардон йилнинг тўрт фаслида ҳам ўзига хос тароват касб этади. Айниқса, ёзининг жазирамасида зиёратчилар ва сайёҳлар сони ортишини эътиборга олган ҳолда, Республика ишчи гуруҳи ҳамда Фарғона вилояти ҳокими бошчилигидаги мутасаддилар яқинда бу ерларда бўлиб, дам олувчилар учун муносиб шароитлар яратиш имкониятларини ўрганиб чиқишди, янги

– Анклав ҳудудларда туризм ривожига ҳисса қўшувчи қандай лойиҳалар ишга тушди?

– Том маънода, Шоҳимардон ва Сўх жаҳон сайёҳлик марказларидан бири бўлишга муносиб. Лекин туризм учун замонавий инфратузилма талаб этилади. Меҳмонхоналар, кўнгилочар масканлар, йўллар қуриш, транспорт ҳаракати каби бир қатор масалаларни ҳал қилиш лозим бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари топшириғига кўра, Шоҳимардон қишлоғида туристик объектлар сонини кўпайтириш учун 100 миллион АҚШ долларилек инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилди. Сўх тумани жозибадорлигини ошириш учун 7 километрлик “туризм кўчаси”ни ташкил этиш белгиланди. Ишчи гуруҳ томонидан мавжуд туристик хизматлар ва объектлар сифати ўрганиб чиқилди. Худудларнинг мафтункорлиғига пўтур етказаетган, ўзбошимчилик билан бунёд этилган қурilmалар фаолиятига чек қўйилди.

Туристлик хизматларни кўпайтириш, янги сайёҳлик йўналишларини жорий этиш, шу жумладан, тарихий зиёратгоҳларга кириш-чиқиш тартибини белгилашга аҳамият қаратилди.

Маълумки, Сўхда 20 га яқин ғор, Шоҳимардонда 15 га яқин маданий, меъморий ёдгорлиқлар бор.

Бую объектлар сайёҳлар учун муҳим тилсимот бўлиши, шубҳасиз. Шунининбатта олган ҳолда, олимлар билан биргаликда жозибадор тарихий манзилларни аниқлаш ва реставрация қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилди.

Мавжуд ресурслар ва имкониетлардан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига туризм соҳасида фаолиет юритаётган тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча шароитлар яратиш кўзда тутилмоқда. Туризм ва маданий мерос объектларига олиб борувчи автомобиль йўлларини таъмирлаш ишларининг манзилли рўйхати шакллантирилди. Бу каби вазифаларнинг барчаси “мастер-режа”га киритилди. Унга кўра, яқин даврларда Сўх туманида туризмнинг саноат, геология, агро турлари йўлга қўйилади.

Шоҳимардонда эл суйган санъаткорлар иштирокида концерт дастурларини ташкил қилсак, меҳмонхона, ресторан, кафе, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари сайёҳлар билан тўлади. Шу муносабат билан камида 1 миллион туристини жалб этадиган маданий тадбирлар, бизнес форум ва кўргазмалар ўтказиш дастурини ишлаб чиқмоқдамиз. Шунингдек, Шоҳимардон ва Ёрдонни боғловчи “осма кўприк” қуриш учун тадбиркорлар чорланди.

Сайёҳатсеварларга масофадан туриб меҳмонхона, дам олиш масканларини “брон” қилиш имкони берадиган ягона платформани иш-

га тушириш ниятидамиз. Уй меҳмонхоналари сони оширилади. Бу борада янги лойиҳа ташаббускорлари кўп.

Табиийки, жараёнлар бевосита ахборот-коммуникация тизимининг ҳолати билан боғлиқ. Сўх туманида 62 километр оптик толали алоқа кабель тортилгани, умумий сифими 536 портли замонавий алоқа қурилмалари, 5 та мобиль станциялар ўрнатилгани интернет хизмати тезлигини оширишда қўл келяпти. Бу каби ишлар жорий йилда ҳам давом этади.

Сир эмаски, баланд тоғлар алпинизм соҳасида янги йўналишлар очилу учун жуда қулай ҳисобланади. Шу асосда Шоҳимардонда “Алпинистлар маркази”ни ташкил этмоқчимиз.

Бир сўз билан айтганда, Сўх ва Шоҳимардонда амалга оширилиши қутилаётган лойиҳалар кўлами кенг.

– Чегара постларидаги расмийтачилик сабаб, юртдошларимиз ва сайёҳлар бу жойларда узок қолиб кетишга мажбур бўлишмоқда. Айниқса, ёз мавсумида узун навалбатлар вужудга келади. Чегараолди текширувларни соддалаштириш борасида қандай янгиликлар бор?

– Ўзбекистон ва Қирғизистон давлатлари ўртасидаги азалий дўстлик ришталари янада мустаҳкамланиб, икки юрт чегарасидаги талай қийинчиликлар, ғовлар олиб ташланган, узок йиллардан буюн қалбан интилган манзилларимизга бориш-келиш енгиллашди. Анклав худудларга таширф буюриш учун илгарилари фуқароларимиздан хорижа чиқиш паспорти талаб қилинади. Эндиликда ID карта бўлса кифоя.

Келгусида икки давлат ўртасидаги яхши қўшнчилик муносабатларини янги босқичга кўтарилиб, божхона хизматини кўрсатишда янада қулайроқ тизим яратилади.

Сўхбатни Муаттар МАҲМУДОВА олиб борди.



(Бошланиши 1-бетда).

Нашрга кўра, “Туркистон” атамасидан фойдаланиш орқали Туркия Марказий Осиёга ўзининг махсус геосиёсий нуқтаи назаридан ёндашиб, минтақа билан ўзаро алоқаларини мустаҳкамлашга интиломоқда.

Қайд этилишича, янги атамга тахлилчилар турлича ёндашмоқда: бири қўллаб-қувватласа, бири танқид қилиб, Туркиянинг минтақадаги родини қайта тикламоқчилигини айтган.

“Туркистон” атамаси тарихий илдиизларга эга бўлса-да, баъзи кузатувчилар бу ҳаракатни янги минтақавий йўналишга ишора деб ҳисоблайди. Россиянинг Украинадаги уруши сабабли Марказий Осиёда таъсири пайсыйб, Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси орқали ўсиб бораётган таъсири фониди бу ўзгариш жиддий геосиёсий аҳамиятга эга.

Туркиянинг янги минтақавий сиёсати, хусусан, “Туркистон” атамасини қайта киритиши, Россия, Хитой ва Эронга нисбатан геополитик таъсир ўтказувчи ҳаракат сифатида қабул қилинмоқда. Туркия учун туркий халқлар билан қайта алоқаларини тиклаш ва умумий тарихий ҳамда маданий онгни жонлантириш истагини ифодалайди. Туркия минтақада тенг асосда шериклик муносабатларини ўрнатишга интилиб, умумий маданийятнинг бирлаштирувчи кучидан фойдаланапти.

Хозирги кунда Турк давлатлари ташкилоти (аввал Турк кенгаши деб номланган) энг катта ташкилот сифатида қўрилади. Туркиянинг ўқув дастуридаги ўзгаришлар бу ташкилот

мақсадларига ҳам мувофиқдир.

“Турк давлатлари ташкилоти умумий таълим ва маданий сиёсатини йўлга қўйиш бўйича муҳим “юриш қилди”, жумладан, умумий тарихини, географик тушунчаларини ва ҳатто умумий алифбони яратиш бўйича қўшма ташаббуслар ҳам илгари сурилган. Бу саъй-ҳаракатлар Туркиянинг туркий дунёдаги юмшоқ кучи ва таъсирининг ўсиб бораётганини ифодалайди” дейилади тахлилди.

Унда айтилишича, лотин алифбосини тарғиб қилиш ва “Туркистон” атамасини қайта киритиш орқали Туркия стратегик геосиёсий ҳаракат қилмоқда. Бу ташаббус Туркиянинг Марказий Осиёдаги таъсирини кенгайтиришга қаратилган ташқи сиёсатидаги ўзгаришни ифодалайди. Бу, шунингдек, зиёли Исмоил Ғаспирали томонидан илгари сурилган “тил, иш ва фикрларда бирлик” шioriга мос келади ва катта туркий бирдамликни мустаҳкамлайди.

Ўз навбатида, бу ҳаракатлари орқали “Туркия пан-туркизм сиёсатини юритмоқдами?” деган савол пайдо бўлмоқда. Хусусан, Россия учун Туркиянинг мақсадлари бироз шубҳали. АҚШнинг Хельсинки комиссияси ходимлари томонидан чоп этилган “Россияга қарши кураш: узок муддатли Россия тахдидига тайёргарлик” номли хисоботда Туркия Россияга нисбатан муқобил куч сифатида қўрилиши кераклиги таъкидланган. Шу мақсадда ҳисобот АҚШга Туркиянинг пан-туркизм ташаббусларини қўллаб-қувватлашни тавсия қилган.

(Манба: “ЎзДипломат”).

12 баллик тизим нимани англатади?

(Бошланиши 1-бетда).



Бу тартибни қуйидагича шарҳлашимиз мумкин. Хайдовчи томонидан ҳар бир қайд этилган қоидабузарлик учун асосий жазога қўшимча равишда жарима баллари берилади. Битта қоидабузарлик учун максимал 2 баллини ташкил этади. Баллар йиғиндиси бир йил давомида амал қилади, кейин эса бекор қилинади. Агар хайдовчи ушбу даврда 12 баллдан юқори балл тўпласа, у камида олти ойга хайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилинади.

Бундан ташқари, қонунда автомобилни агрессив бошқариш, жумладан, кескин манёврлар, дрефт ва “шахмат” услубида ҳаракатланиш, шунингдек, йўлда аварияга олиб келиши мумкин бўлган тўсиқлар яратиш учун янги маъмурий жазо чоралари назарда тутилган. Одамларни ташкил қоидаларини бузиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини уларнинг обрўсизланишига олиб келган фото ва (ёки) видео тасвирга олиш ҳам маъмурий жавобгарликка тортилдиган ҳаракатлар рўйхатиға киритилган.

Муҳим янгиликлардан бири шундаки, айрим ҳуқуқбузарлиқлар учун жиний жавобгарлик белгиланмоқда. Бу маст ҳолда такроран транспорт воситасини бошқариш ва мастлик ҳолатини аниқлаш учун текширувдан



ўтишдан бўйин товлаш, газда ишлайдиган транспорт воситаларидан нотўғри фойдаланиш, шунингдек, хайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилинган шахс томонидан транспорт воситасини бошқаришга тааллуқлидир.

Хайдовчилик гувоҳномасини олиш жараёни устидан назорат ҳам кучайтирилган. Яъни автоматотранспорт воситалари хайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек имтиҳон ўтказиш ва хайдовчилик гувоҳномасини бериш тартибини бузишдаги қонунбузарлик учун жиний жавобгарлик белгиланган.

Шу ўринда фуқароларимизга тушунча бериб ўтишимиз жоизки, ижтимоий тармоқларда ЙҲХ инспекторининг видеоси тарқалган бўлиб, унда 60 км/соат тезлик белгиланган жойда 66 тезликда ҳаракат қилинса, аввалгидек 1 баравар (375 минг сўм) жарима эмас, балки 5 баравар жарима тўланиши айтилган. Ушбу маълумот нотўғри.

Янги қонун билан тезлик учун жарима миқдорлари оширилгани йўқ. Белгиланган тезликдан 20 гача оширилса – 1 баравар, 40 гача оширилса – 5 баравар, 40 дан оширилса — 9 баравар миқдорида жарима тўланади. Аввал ҳам шунақа эди, ҳозир ҳам шундай.

Фақат битта ўзгариш кирди. Энди белгиланган тезликдан соатиға 60 километр ошириб юборилса, 15 баравар (5 миллион 625 минг сўм) жарима белгиланади. Яъни 60 тезлик белгиланган жойда 125 дан тезроқ юрганларға (5 захираси билан) 15 баравар жарима қўлланади. Илгари тезлик 40 дан оширилганда ҳар доим жарима бир хил эди.

Шунингдек, тезлик билан боғлиқ ҳолатларда бир йил ичида такроран содир этилса, баландроқ жарима тўлаш ҳам бекор қилинди. Тезлик билан боғлиқ жарималар миқдорида бошқа ҳеч қандай ўзгариш йўқ.

Элбек ҚОЖИЙЕВ, Фарғона вилояти ИИБ ЎХХБ, Ахборот хизмати раҳбари.

Халқ ишончини оқлаб келаётган ПАРТИЯ

“Адолат” социал-демократик партияси мамлакатиниздаги нуфузли сиёсий ташкилотлардан бири бўлиб, 1995 йил 18 февралда ташкил топган.



Ҳарбийлар оила бекалари беллашди

Шарқий ҳарбий округида “Мен намунали ҳарбий оила бекаси-ман” шiori остида ўтказилган “Балли, аёллар” кўрик-танловида гўзал одоби, ақл-заковати билан жамиятга ўз ўрнини топган, фарзандларига муносиб тарбия бериб келаётган саккиз нафар аёллар ўзаро беллашдилар.



Ҳарбий хизматчининг турмуш ўртоғи бўлиш ҳар қандай аёлдан ўзига хос масъулият талаб этади. Танлов аввалида иштирокчилар “Мен бахтиёр аёл-ман” шарти бўйича ўзларини таништириб ўтдилар. Сўнгра “Моҳир бекажон”, “Аёл – гўзаллик тисмоли”, “Удабабурон аёл” шартлари орқали нақадар моҳир бека эканликларини намойиш этишди. Шунингдек, “Дартс” баҳсида мўлжални аниқ олиш бўйича кўникмалари синовдан ўтказилган бўлса, “Бахру байт” синовидида қўшиқчилик борасидаги истеъдодлари баҳоланди.

– Ҳарбийларга яратилаётган шарт-шароитлар билан бир қаторда уларнинг оилаларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда, – дейди Шарқий ҳарбий округи кўмондонлигининг хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассиси Дилором Маматова. – Тур-

ли шахарларда хизмат қилиш, ҳар гал нотаниш муҳит билан рўбарў келиш, қариндош-уруғларидан узокда, баъзида турмуш ўртоғини ойлаб кўрмаслик ҳолатлари ҳарбийларнинг оила аъзоларидан ўзига яраша матонатни талаб этади. Бундай танловлар уларнинг вақтинчи мазмунли ўтказиш, доимий эътиборда эканликларини намойиш этиш учун ташкиллаштириб келинмоқда.

Якуний натижаға кўра, Марғуба Раззоқова ғолибликни қўлга киритди ва танловнинг республика босқичига йўллана олди. 2-ўрин Шохсанам Ҳабибуллаеваға насиб этди. Нарғиза Бобоева эса 3-ўринға муносиб деб топилди. Ситора Ашурматова, Марҳабо Мирзараҳимова, Парихан Турлибаева, Дилдора Ҳалилова ва Мавлуда-хон Тожибоева номинациялар бўйича рағбатлантирилди.

*** Ватан посбони бўлишдек масъулиятни зиммасига олган ҳарбий аёллар шу кунларда умумтаълим мактабларида бўлиб, ўқувчи қизлар билан “Янги Ўзбекистоннинг Тўмарисларимиз” мавзусида давра сўхбати ўтказишмоқда.

Бояға етаётган қизларни ватанларвар-



лик руҳида тарбиялаш, улар қалбида Ватанға садоқатли бўлиш ҳамда ҳарбийлик касбига қизиқиш ўғитиш мақсадида ташкил этилаётган самимий мулоқотларда ҳарбий аёллар ўзларининг ҳаёт йўллари, танлаган касбининг масъулияти ва шарафли жихатлари ҳақида сўзлаб беришмоқда, мавзуга оид видеоролиқлар намойиш этиляпти.

Ўз мухбиримиз.



ЭЗГУЛИКНИ УЛУҒЛАЙДИГАН, ҚАЛЬЛАРНИ ПОКЛАЙДИГАН ОЙ

(Бошланиши 1-бетда).

Рамазон – бу фақат оч ва ташна юриш ойи эмас, балки мўминларнинг ўзини тарбия қилиш, гуноҳлардан тийилиш ва жамиятта фойда келтириш вақти ҳамдир. Айниқса, хайр-эҳсон қилиш бу ойда алоҳида аҳамият касб этади.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам Рамазон ойда барча одамларга меҳрибон бўлиб, саховатда барчага намуна бўлганлар. Ибн Аббос розияллоху анху ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади:

“Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам энг саховатли инсон эдилар. Рамазонда Жаброил алайҳиссалом у зотнинг ҳузурларига келадиган пайтларда эса янада саҳий бўлиб кетардилар. У зот соллаллоху алайҳи васаллам инсонларга эсувчи шамолдан ҳам тезроқ саҳийлик қилишга шошардилар” (Бухорий ва Муслим ривоятли).

Мазкур ҳадисдаги тасвир Пайғамбаримизнинг хайр-эҳсон қилишдаги шижоат ва меҳрибонликларини очик-ойдин намоеъ этади.

Тарихда Рамазон ойда хайр-эҳсон қилиб, одамларга фойда келтирган буюк инсонлар жуда кўп бўлган. Бир неча ибратли воқеаларни келтирсак:

Муалло ибн Фазл айтадилар: “Солиҳ зотлар Рамазон ойи киришидан олти ой олдин Аллох таолодан Рамазон ойига етказишини сўраб, дуо қилар эдилар. Рамазондан кейинги беш ой мобайнида Рамазон ойда қилган

ибодатлари ва солиҳ амалларини қабул қилишини илтижо қилиб сўрардилар”.

Имом Заҳабий раҳматуллоҳи алайҳ айтади: “Ҳаммод ибн Абу Сулаймон саҳий бой киши эди. Рамазон ойда ҳар кун и юз кишига ифторлик қилиб берарди. Ийд намози ўқиб бўлингандан сўнг уларнинг ҳар бирига юз дирҳамдан эҳсон берарди”.

Бундай ибратли ҳолатлар бугунги кунда биз учун ҳам намунадир. Агар ҳар бир мусулмон қўлидан келганча одамларга яхшилик қилса, жамият янада аҳил ва баракали бўлади.

Рамазон ойи – бу нафақат рўза тутиш, балки инсонийлик, саховат ва эзгулик оийдир. Ҳар бир мўмин бу ойда имкон қадар Куръон ўқиб, Аллоҳга яқинлашиши, хайр-эҳсон қилиб, муҳтожларга ёрдам бериши, оиласи, қўшнилари ва жамият учун фойдали ишларни бажаришга ҳаракат қилиши лозим.

Ой давомида амалга оширилган ҳар бир яхшилик, озгина садақа ва хатто бировга меҳр билан муомала қилиш ҳам катта савобларга сабаб бўлади. Зеро, Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтганлар: “**Кимки рўзадорни ифтор қилдирса, бас, унга унинг савоби мислича берилур**” (Имом Байҳақий ривоятли).

Шундай экан, ушбу муборак ойда вақтимизни беҳуда ўтказмасдан, ибодат ва яхшиликлар билан банд бўлайлик. Аллох таоло барчамизни Рамазон ойининг баракаларидан баҳраманд этсин!

БАҲОДИР ИСОМОВ

Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган ёшлар мураббийси, шоир Баҳодир Исо 69 ёшида вафот этди.

Баҳодир Исомов 1956 йилда Риштон туманининг Дўтир қишлоғида туғилган. 1977 йилдан Риштон туманида ўрта мактабларда ўқитувчи, маданият уйида рассом, туман Маънавият тарғибот маркази раҳбари, “Фарғона ҳақиқати” газетасида адабий ходим, ФарДУ санъатшунослик кафедрасида ўқитувчи каби вазифаларда меҳнат қилган.


Баҳодир Исо мамлакат адабиётининг дарғалари назарига тушган шоирлардан бири эди. У шоир, журналист сифатида туман, вилоят, республика газета ва журналлари орқали элга танилган. “Одамлар ичидан одам изладим” (2005), “Яхшилар бор, яхшиям” (2008), “Отам қутган кунлар” (2013), “Мухаммад Юсуф” (2014), “Куй тили” (2015),

“Қишлоқдаги шоир” (2016) номли шеърый тўпламлари қўлма-қўл ўқилиб, замонавий ўзбек адабиётининг дурдоналари сафидан жой олди.

Шоир ўзбек санъати ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшган. Мамлакатимиздаги таниқли хонандалар томонидан унинг қўллаб шеър ва ғазаллари қўшиққа айлантирилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Шухрат” медали соҳиби, оташин шоир Баҳодир Исонинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Вилоят ҳокимлиги Баҳодир Исомовнинг оиласи ва яқинларига чўқур таъзия изҳор қилади.

Фарғона вилоят ҳокимлиги.



Шоирларнинг баҳодири эди

Фарғонада Баҳодир исмли шоир борлигини билганимга ўттиз йиллардан ошди. Раҳматли устозимиз Йўлдош Сулаймон бошчилигидаги ижодий давраларда кўрганман уни.

80-йиллар охири, 90-йилларнинг бошларида фарғоналик шоир ва ёзувчилар иштирокида “Қўқондан Шохимардонга”, “Шоирлар Фарҳодлар ҳузурида” деб номланган ижодий сафарлар, саёхатлар бўлиб турарди. Ана шу давраларда Малика Мирзо, Охунжон Ҳақимов, Матлуба Аҳмедова, Дилбар Ҳамзахўжаева, Ҳабибулло Саидгани, Фарида Афрўз, Икбол Мирзо (талаба) ва бошқалар қаторида Баҳодир Исо ҳам бор эди. Устоз унга сўз берганида ҳар сафар “серкирра ижодкор” деб такрорлардилар.

Кейинчалик билдимки, Баҳодиржон шеър ёзишдан ташқари, рассомчилик, қўлпочилик, ҳайкалтарошлик билан ҳам шуғулланар экан. Кўзлари чакнаб турувчи, қорачадан келган бу йигитни Лаъл Баҳодир Шастри ёки хинду ўкам, Бобурнинг қариндоши деб эркаклатиб кўярдим. Шеърларининг қадди баланд, тархи тоза, ҳар сўзни топиб айтадиган шоир эди у. Бир пайтлар фарғоналик ижодкорлар “Баҳодирнинг ҳайкали”ни кўргани Риштонга, Дўтир қишлоғига боргандик. Елкасида тупроқ, лой ташиб қишлоқнинг кўринари жойига баланд ҳайкал қурибди. Унда миллатимизнинг ўтмиши, азобли кунлари, ҳунармандчилиги, одамийлиги акс эттирилган. Қўйил қоласиз,

гўё санъаткор ичидаги гўзал нақшларни шу ҳайкалга кўчиргандай. Кейинги йилларда нимадигир бу санъат асари бузиб юборилган. Сабабини сўрасам, мени кўрқитишди деб жавоб берганди Баҳодир.

Баҳодир Исо ҳақида эслайдиган арзирли хотираларим кўп. Мен 60 га кирган йилим сурат туширилган катта сопол лаган ясаб келибди.

– Суратингизни тополмадим, лекин бу киздан сиз чиройлисиз, опажон, – деган эди ҳазиллашиб.

70 ёшимда ҳам менга бағишлов шеър ёзган. Қаерда бўлса “ўзимнинг опам” деб кўнглимни кўтариб юрарди Баҳодир Исо. У 50 ёшга тўлганда “Ҳиндистонга кетгим келади” деган бир шеърига жавоб ёзгандим. Унда

**Майдан эмас, маст бўлдим ишқдан,
Далли бу деб қўлманг ошиқдан,
Заррин қанот бойлаб қўшиқдан
Ҳиндистонга кетгим келади,**
дейилган сатр бор эди.

Мен унга жавобан:

**Дунё қачон бўлган-а бекам,
Жон бор жойда у кам ё бу кам,
Осмон ерга тушганида ҳам,
Ҳиндистонга кетмагин ўкам,**

деб бошланувчи шеър ёзганман.

Янги давр имкониятларининг АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Сўнгги йиллардаги ислохотлар ёш авлоднинг бугунги ва келажакнинг кафолатлинишига, таълим тизими етарли даражада имкониятлар яратишга қаратилган концептуал ҳаракатлар асосида амалга оширилган диққатга молик. Учинчи Ренессанс асосчиси, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида олиб борилаётган мазкур ислохотлар демократик жараёнларга асосланган тарзда умумхалқ таваққури ва халқимизнинг ўсиб бораётган сиёсий, маданияти ҳамда инсон капиталининг манфаати биринчи даражали эканлигини яққол кўрсатмоқда.

Таъкидлаш керакки, юртимизда хотин-қизлар таълимига қаратилган юксак эътибор самараси ҳар бир юртимизнинг ҳаётимизда ўз ифодасини топаётгани барчамизни қувонтиради. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нуткида “Мен ҳўрматли ота-оналарга қарата айтмоқчиман: қизларингизни ўқитинг, орзу-умидларини рўёбга қикаришларида уларга кўмакчи

бўлинг! Улуғларимиз айтганларидек, ўғил болани ўқитсак, бир киши саводли бўлади. Қиз болани ўқитсак, бутун оила, бутун жамият билимли бўлади!” дея таъкидладилар. Давват руҳидаги мазкур сўзлар жамиятимизда аёлларнинг зиёли, ўқимишли бўлиш истгани чин маънода рағбатлантиради. Бугун олий таълим тизимида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлардан эса нафақат зиёлилар, балки бутун халқимиз миннатдор бўлмоқда.

Фарғона давлат университети Янги Ўзбекистон ислохотларига

ҳамоҳанг тарзда изчил ривожланаётган олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Олийгоҳимиз ҳозирги кунда Австралиянинг халқаро “UniRank” рейтинг платформасида 23-ўринни банд этгани, Грузиянинг “Round university ranking” халқаро университетлар рейтингида мингталикдан жой олгани, Буюк Британиянинг “Times higher education” рейтингида 14 та индикатор бўйича юқори ўринларда экани, албатта, олий таълим тизимидаги ислохотларнинг, қолаверса, фалол илмий-педагогик изланишларнинг

натijasидир.

Биз педагогларни ҳамиша руҳлантирадиган энг катта куч – давлатимиз ва Президентимизнинг меҳри ва ишончидир. Ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган олий таълим тизимидаги ислохотлар самараси ўлароқ, юртимиз бугунги ва эртаси учун юксак салоҳиятли кадрлар тайёрлашга қаратилган фаолиятимизни янада жадаллаштириш бош мақсадимиздир.

Зеро, Янги Ўзбекистонимизда бошланган янги давр ва унга мос таълимпарвар ислохотлар давлатимизнинг халқаро миқёсда тан олинishi ва ривожланиши учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Озода ҲАСАНОВА,
Фарғона давлат университети
“Немис ва француз тиллари”
кафедраси мудири,
педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори.

Шунақаси ҳам бўларкан...

Она ўғлидан алимент ундиришга МАЖБУР БЎЛДИ

Қўштепа туманида яшовчи 70 ёшли онахоннинг бир нафар ўғли бор. Аммо у меҳрсиз бўлиб вояга етдики, бугунга келиб, волидаи муҳтарамаси “суянган тоғи”дан “ғамхўрлик излаб”, Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Шу ўринда қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасида белгиланганидек, вояга етган меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Меҳрсиз қолган онахоннинг даввоси судда қаноатлантирилди ва ўғлидан ҳар ойда 150 минг сўмдан алимент ундириб борилиши белгиланди. Бироқ, фарзанд ўз онаси учун алимент тўлашдан бош тортиб келди.

Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида, қарздор О.Б. онаси А.Х. фойдасига мавжуд қарздорликни тўлашлиги, акс ҳолда, унга нисбатан маъмурий иш ҳужжатлари расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича судга тақдим этилиши тушунтирилди. Шундан сўнг қарздор ўғил 2024 йилнинг 8 ойи учун алимент пулларини тўлаб берди.

Сайджон АБДУҚОДИРОВ,
Мажбурий ижро бюросининг
Қўштепа туман бўлими бошлиғи.

Тиббиёт ходимларининг ИШ ҲАҚЛАРИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари давлатимиз томонидан қонуний ҳимоя қилиб келинмоқда. Конституциямизда ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қўлай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашининг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эгалиги белгиланган.

Бироқ меҳнат муносабатларида иш берувчи томонидан ходим ишлаган даври учун иш ҳақининг нотўғри ҳисобланиши ёки умуман тўланмаслиги ҳолатлари учраб туради. Мисол учун, Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг ижро варақаларига асосан, Республика шoshiлич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалидан 8 нафар ходим фойдасига жами 25 миллион сўмлик иш ҳақи ундириш бўйича ижро ҳаракатлари олиб борилиб ва мурожаатчиларнинг ҳуқуқлари тикланди.

Отабекжон АБДУЛЛАЕВ,
Мажбурий ижро бюросининг
Фарғона шаҳар бўлими давлат
ижрокчиси.

Фарғона вилояти ИИБ ЖХХ ЖТСБ Кинология бўлини маси томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатига асосан, уларга тегишли итларни умумий бўйсунувчанлик ҳамда ҳимояқоровул кўникмалари бўйича тайёрлаш юзасидан пуллик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Агарда ўзингизни қизиқтирган саволларингиз бўлса, қуйидаги телефон рақамига ёки манзилга мурожаат қилишингиз мумкин. **Телефонлар: 99 055 40 42, 77-707-60-80.** **Манзил:** Фарғона шаҳар, “Қирғили” МФЙ, Меъмор кўчаси, 3/5-уй. Хизматлар лицензияланган.



Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан Оқюлов Ферузбек номига берилган С – 0089212 рақамли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

М.УСМОНАЛИЕВА.

ТОШОБОДДА МИЛЛИЙ КАДРИЯТЛАР ТАРАННУМИ

Кўнгилларга кўтаринкилик, борлиққа чирой ўлашиб, баҳор кириб келмоқда. Қишнинг сўнгги кунлари бўлишига қарамай, ўлкамизда қўлланми хуш қаршилш тадориги бошланиб кетади. Жойларда ўтказилаётган умумхалқ ҳашарлари, меҳр-саховат тadbирлари яшариш ва эзгулик фаслига пешвоз чиқаётганимиз далилидир.

Олтириқчиликлар ҳам гўзаллик ва ризқ-барака мавсумини кўтаринки руҳда, меҳнат қучоғида бошладилар. Аслида қаҳратонда ҳам тиним билмаган миришкорлар элимиз дастурхони учун дармондорига бой қўкатлардан тортиб, сархил мева-ю, сабзавот маҳсулотларини етиштиришга тушиб кетишди. Ишқомларга яна тоқлар кўтарила бошлади.

– Шўқур, кўкламга чикдик, оғзимиз кўкка етди, – дейди туманнинг “Тошобод” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Ҳидоятхон ая Тиллаева. – Қўёш ерни қиздиргани ҳамон неварачеваралар ҳам кўчага чопқиллашди. Маҳаллада ҳашар уюштирдик, чор атроф чининдай ярақлаб, баҳру дилимиз очилди.

Тошободнинг Ансорий кўчасида яшовчи қўни-қўшинлар жуда аҳил-иноқ. Куни кеча аёллар Маликаҳон ая Мамажоновна хонадонидан бид дастурхон атрофида йиғилдилар. Кайвонилар тўрида ўтириб, тинч-тотув кўнларимизга шўқрона келтиришди, ёшлар хизматда, қўл-қўлга тегмади. Катта дошқозонда кўкларнинг бош таоми –

сумалак қайнади, чалпак пиширилиб, ширинликлар билан маҳалладошларга ўлашилди. Беморлар ҳолидан хабар олиниб, эхтиёжманд оилаларга моддий ва маънавий кўмак берилди.

– Миллий урф-одатларимиз сабаб, қўшнижонлар бир йиғилдик-да, – дейди “Тошобод” маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли Гулмирахон Мамажоновна. – Рамазон шариф яқинлашмоқда. Шунингдек, умрбоқий кадриятларимиздан – Наврўзи олам эшик қоқяпти. Минг йилликлар қаъридан садо берувчи бу баҳор байрами ўзининг бетакрор таровати билан ҳар кўклам юртимизга ташриф буюради.

Муборакхон ая Худоёрова ҳар баҳор халқимиз орасида Фарғона “бўлбули” номини олган Таваккал Қодиров хониши билан қалбларимизга кириб келувчи кўшиқни ёд олди.

– Фасли навбаҳор ўлди,
кетибон зимистонлар,
Дўстлар ғаниматдир,
сайр этинг гулистонлар.

Шу кўни тошободликлар дастурхонга жағ-жағ, исмалоқ, отқулоқ, ялпиз каби баҳорий неъматлардан тайёр-



ланган кўк сомса-ю, кўк чучвара тортишди.

– Февраль ва март ойларини халқ ўртасида “илик ўзилди” деб айтилиши бежиз эмас. Аждодларимиз янги кўклам, янги амал ва шодликка эришганда байрам дастурхонини баҳор таомлари билан безатиб, толиққан организмни витаминларга бой маҳсулотлар билан озиклантириб, янги меҳнат йилига қувватлантирган, – дейди Маликаҳон ая Исоқова.

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetaları tahririyaı	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.	Газета "Zakovat nashriyot uyi" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да chop этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Қосонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Буюртма: 11219.	Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.
			Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.
Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ	Газета жума кuni чиқади. Адади: 2860 нуска.	★ Баҳоси келишилган нархда. ★ Навбатчи муҳаррир: Маҳиёра Бойбобоева.	Саҳифаловчи: Алишер Розиков. Босишта топшириш вақти: 15.00. Топширилди: 15.00.